

Уруғли меваларни қуритишда дастлабки ишлов беришнинг масса алмашинув жараёнига таъсирини тадқиқ этиш

А.Чориев

М.Очилов

Б.Утиниязова

Г.Тожибоева

Тошкент давлат аграр университети

Б.Жумаев

Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиали

Аннотация: Мақола уруғли мевалардан олма ва анжирни дастлабки ишлов бериш усуллари ва ИК-конвектив қуритиш орқали намликнинг вақт бўйича ўзгаришига бағишлиланган.

Калит сўзлар: конвектив қуритиш, олма, анжир, намлик, дастлабки ишлов бериш, қуритиш вакти, қуруқ модда

Research on the effect of pretreatment on the mass transfer process in the drying of seeded fruits

A.Choriev

M.Ochilov

B.Utiniyazova

G.Tojiboeva

Tashkent State Agrarian University

B.Jumaev

Yangier Branch of Tashkent Institute of Chemical Technology

Abstract: The article is devoted to the changes of moisture content with time by IR-convective drying and methods of pretreatment of apples and figs from seed fruits.

Keywords: convective drying, apples, figs, moisture, pretreatment, drying time, dry matter

Қуруқ маҳсулот чиқиши бошланғич маҳсулот таркибидаги қуруқ моддалар миқдорига боғлиқ бўлади. Лекин қуруқ модда - энг аввало минерал моддалар ва клечаткадан тузилган каркасдир. Қуритилган моддаларда оқсиллар, углеводлар, аминокислоталар, минерал моддалар, витаминалар ва бошқалар эриган ёки

кимёвий бириккан сув хам қолади.

Қуритишга мұлжалланган хом ашё сифатида уруғли мевалардан олма ва анжир, уларнинг навлари мисол қилиб олинди.

Қуритиш учун маҳсулот танлашда нафақат ундағи катта миқдордаги қуруқ моддага, ва яна физиологик қиммат моддалар, витаминалар ва углеводлар қўп миқдорда бўладиган навларга қаралади.

Қуруқ модда миқдори энг кўп бўлган етакчи навлар: анжир нави - қора қрим, сариқ далмат, абхаз; олма нави - беш юлдуз, голден, семеринка.

Биргалиқдаги кўрсатгичларга қўра қуритиш учун энг яхши турлар: инжира нави - қора қрим, сариқ далмат, абхаз; олма нави - голден.

Хом ашё навлари кўрсатгичларининг солиширма таҳлили 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Қуритиш учун мулжалланган уруғли меваларни кимёвий таркиби


Маҳсулот нави номланиши	Хосилдорлиги, ц/га	Таркиби		
		Қуруқ модда, %	Кандлар, %	С витамини, мг/%
Олма:				
Беш юлдуз	411,5	22,4	1,5	20
Голден	337	23,1	2	19,7
Семеринка	335,5	23,4	1,7	20
Анжир:				
Қора қрим	404	8,9	6,3	4,84
Сариқ далмат	402,5	13,3	6,9	4,83
Абхаз	264,5	10,9	6,5	3,95

Анжир намуналарини қуритиш жараёнида намлик масса улуши ўзгариши хусусияти (1-расм), анжир намуналарини қуритиш жараёнида намлик миқдори ўзгаришига нисбатан фарқланади.

Дастлабки ишлов беришсиз қуритишда, маҳсулотдаги намлик миқдори нормаллашган холатга 6 соат қуритиш жараёни давомида келишига қарамасдан, натижага қўра қолдиқ намлик миқдори 21,1% ни ташкил қилди ва бошқа исталған дастлабки ишлов бериш усулидан паст кўрсатгич бўлади.


Дастлабки ишлов бериш билан ИҚ-қиздириш орқали қуритишда намуналарни 5 соат давомида қуритиш етарли бўлади (намуналардаги қолдиқ намлик миқдори 13,8% ни ташкил этди). Дастлабки ишлов беришли ЎЮЧ қўллаш орқали намуналарни 5 соат давомида қуритиш етарли бўлади, лекин қуритиш даври тугаши билан маҳсулотдаги қолдиқ масса улуши юқори ва 20,9% ни ташкил қиласди, ИҚ-ЎЮЧ диапазонидаги электр майдонини бирлаштириб дастлабки ишлов беришни қўллашда қолдиқ масса улуши 18,9% ни ташкил қиласди.

**Куритилган анжир намуналарида намликтинг массавий улушининг вақтга
боғлиқ ҳолда ўзгаришининг миқдорий тасвифи**



1-расм. Куритилаётган анжир намунасидағи қолдиқ намликтинг қуритиш вақтига боғлиқ ҳолда миқдори графиги (қора қрим, түғраш шакли - паррак)

Куритилган олма намуналарида намликтинг массавий улушининг вақтта боғлиқ ҳолда ўзгаришининг миқдорий тасвифи



2-расм. Куритилаётган олма намунасидағи қолдиқ намликтинг қуритиш вақтига боғлиқ ҳолда миқдори графиги (беш юлдуз, түғраш шакли - паррак)

2-расмда олма намунасидаги қолдиқ намлик масса улушининг дастлабки ишлов беришсиз ва барча уч хил дастлабки ишлов беришли ва конвектив қуритишдаги таҳлили келтирилган. Қуритиш қолдиқ намлик масса улушкига стандарт талабларига тўғри келадиган (14.00%дан ошмаган) кўрсатгичгacha давом эттирилди, дастлабки ишлов бериш 90 с давомида - 45с - 60с - 45с режимида, асосий жараён - конвектив қутиш 5-6 соат давом эттирилди (80°C хароратда, хаво тезлиги 3м/с).

Графиклар таҳлили шуни кўрсатади, ЎЮЧ ва ИК-ЎЮЧ диапазонидаги электромагнит майдонида дастлабки ишлов беришни қўллаб қуритишда 23.7%, ва юқори қувватли ИК-нурли дастлабки қайта ишлов беришни қўллаб қуритишдан паст хисобланади, чунки намунасадаги қолдиқ намлик минимал бўлади - 13.7%. ЎЮЧ ва ИК-ЎЮЧ дастлабки ишлов беришни қўллаб 5 соат давомида қуритишда қуритилган намунасадаги намлик масса улуси 22.8 ва 20.8% ни ташкил қиласди.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан хулоса қилиб айтиш мумкин, ИК дастлабки ишлов беришли ИК-вакуум қуритиш энг оптималь усул хисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

- Холиков, М. М., & Джураев, Х. Ф. (2024). ВАЖНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭФФЕКТИВНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕССЕ СУШКИ ФРУКТОВЫХ И ОВОЩНЫХ ПАСТИЛОК. Universum: технические науки, 2(8 (125)), 60-62.
- Ямалетдинова, М. Ф. (2024). РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЧЕСКОЙ ЛИНИИ ДЛЯ ПЕРЕРАБОТКИ ФРУКТОВЫХ ВЫЖИМОК С ЦЕЛЬЮ ПОЛУЧЕНИЯ ИХ ПОРОШКОВ. Universum: технические науки, 6(5 (122)), 18-21.
- Алексеева, Н. В., Сатаев, М. И., Азимов, А. М., Шакирьянова, З. М., Дуйсебаев, Ш. Е., & Аширбаев, Ж. С. (2024). Анализ влияния температуры нагрева на процесс конвективной сушки. Вестник Алматинского технологического университета, 144(2), 63-70.